

ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЎЗЛАШИШ ОМИЛЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ

Мавлонова Мавлуда Давуровна

катта ўқитувчи Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда барчанинг лисоний луғатида ўзлашишга улгурган АТ терминлари, уларнинг нутқда ишлатилиши, АТ терминларининг инглиз тилидан бошқа хорижий тилларга бевосита ва билвосита ўзлашиш омиллари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек инсонлар нутқида ўзлашган сўзларнинг таржима қилишдаги камчиликлар ва қийинчиликлар ҳақида батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: АТ терминлар, лисоний тежамкорлик, маъно торайиши ва кенгайиши, терминларнинг ўзлашиш омиллари

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь пойдет о терминах ИТ, которые сегодня успели освоить в языковом словаре каждого, об их использовании в речи, о факторах прямого и косвенного освоения ИТ-терминов с английского на другие иностранные языки. Также подробно освещаются недостатки и трудности перевода слов, освоенных в речи людей.

Ключевые слова: термины АТ, лингвистическая строгость, сужение и расширение значения, факторы присвоения терминов

ABSTRACT

In this article we will talk about IT terms that everyone has managed to master in the language dictionary today, about their use in speech, about the factors of direct and indirect mastering of IT terms from English to other foreign languages. The short comings and difficulties of translating words mastered in people's speech are also highlighted in detail.

Keywords: AT terms, linguistic rigor, narrowing and expansion of meaning, factors of assignment of terms.

АТ терминлари ўзбек тили учун нисбатан янги соҳа бўлиб, улар ўзбек тили лексикасига рус тили орқали ва тўғридан-тўғри инглиз тили орқали кириб келган. Шунинг учун аксарият АТ терминларида инглиз тили лексикасига хос белгилар мавжуд. Биринчи ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машиналари) компьютерлари пайдо бўлгандан то сўнги авлод компьютерлари яратилганига ҳам ўн йиллар бўлди ва шу вақт ичида компьютер тили профессионал соҳа доирасидан фойдаланиш қатламидан чиқиб кетди ва тил соҳибларининг ҳар кунги нутқий мулоқоти таркибига кириб борди. Ҳозирги кунда ҳар қандай соҳада ижтимоий фаол ва талабчан мутахассис бўлиш учун АТдан малакаси юқори бўлишни талаб этади ва бу эса АТ тизимидаги асосий тушунчалардан боҳабар бўлишни тақозо этади. Бундан ташқари, янги йўналиш ва мутахассисликлар (менежер, дилер, маркетинг, промоутер), спорт фаолиятининг янги турлари (боулинг, крикет, сновбординг) лексикасининг тил базалари англо-америка терминологиясини англатади ва бу оммавий нутқга инглиз тилининг кириб боришини таъминлайди.

АТ соҳасида компьютернинг қуйи тизимларининг функционал хилма-хиллиги ҳамда ушбу қурилмаларни ва уларнинг функцияларини таъминлайдиган лексик бирликларнинг келиб чиқиши инглиз тилига боғлиқ бўлади ва уларни ўзбек тилида тўғридан-тўғри фойдаланилади: дисплей (display) – “график ва матнли маълумотларни намойиш қилиш учун ташқи компьютер қурилмаси”; контроллер (controller) – “маълум бир ўрнатилган ёки периферик қурилманинг ишлашини бошқариш учун мўъжалланган аппарат”.

АТ терминларини инглиз тилидан бошқа хорижий тилларга бевосита ва билвосита ўзлашиш жараёнининг лингвистик ва экстралингвистик омиллари мавжуд эканлигини М.А. Брейтер, У. Вайнрайх, Д.С. Лотте каби олимлар таъкидлаб ўтишган.

Ҳар қандай соҳага оид терминларни термин сифатида қолдириш ва тилга бевосита ўзлаштириш тенденциясига муносабат билдириб ўтмоқчимиз. Тўғри, термин таъкидлаб ўтканимиздек, муайян бир соҳага тегишли бўлган ва фақат шу соҳага тегишли тушунчанинг номинациясини англатадиган лексик бирлик, деб эътироф этдик. Соҳа терминлари орасида фақатгина шу соҳага тегишли терминлардан ташқари бошқа соҳалардан маълум бир тушунча ёки жараёнини фойдалаш учун яратилган терминлар ҳам мавжуд. Масалан, палуба фақатгина кемасозлик соҳасига тегишли термин ҳисобланади. Экономика термини нафақат иқтисодиёт соҳасига балки, бошқа соҳалар, шу жумладан тилшуносликда ҳам қўлланади. Масалан, лингвистик экономика – лисоной тежамкорлик. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратмоқчимиз, ҳар қандай соҳага оид терминларни тўғридан-тўғри тилнинг лексик тизимида олиб киришдан кўра маълум бир

терминларни шу тилдаги ўз муқобилларини топишга ҳаракат қилиш тенденцияни таклиф қилмоқчимиз. Бу эса ўз навбатида терминларни амалда қўллаш қийинчиликларини ҳам бартараф этиш имконини яратади. Сабаби, ҳар қандай терминологияга бағишланган тадқиқотларда шу соҳага оид терминларни бошқа соҳа вакиллари томонидан қўллаш жараёнида учрайдиган қийинчиликларни бартараф этишни мақсад қилиниши керак деб, ҳисоблаймиз. Шу ўринда биз ҳам тадқиқотимизда инглиз тилидан ўзбек тилига ўзлашган АТ терминларни амалда қўллаш қийинчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтишни лозим топдик.

Ҳ.Дадабоев ўзининг “Замонавий ўзбек лексикографияси ва терминологияси” номли рисоласида бугунги кундаги ўзбек соҳа терминологияси хусусида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади [Дадабоев Ҳ, Ўзбек тилида аффиксация усули билан ясалган сифат-терминлар. “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари”, 2016]:

1) “хорижий тиллардан шиддат билан кириб келаётган фан, техникага доир терминларни қандай тарзда қабул қилиш, ўзлаштириш хусусида ҳар хил ёндашувлар кўзга ташланади;

2) муайян нарса-буюм, тушунча, воқеа-ҳодисани ифодалашда она тили қатори ўрни билан ўзбек тили шевалари ва лаҳжалари сўз хазинасида мавжуд тайёр сўзлардан фойдаланилмоқда;

3) ўзбек тилида сўз ясовчи аффиксларнинг термин ҳосил қилишдаги иштирокидан унумли истифода этилмоқда;

4) калькалашнинг турлари ёрдамида терминлар ҳосил қилишга жиддий диққат қаратилмоқда;

5) юқоридаги усулларнинг бирортаси ҳам қўл келмаган кезларда чет тили терминлари айнан, тайёр ҳолда ўзбек терминологияси тизимига олинмоқда.

Сўнгги фикрнинг исботини АТ ва замонавий педагогик технологиялар, компьютер, интернет билан боғлиқ терминларнинг қўлланишида кўрамиз. Шунингдек, олим ўзбек терминшунослари олдида муаммолар сифатида қуйидаги масалаларни келтириб ўтади:

1) умумқўлланиш характеридаги баъзи терминларнинг мутаносиб вариантнинг мавжуд эмаслиги;

2) фан ва техника турли соҳалари терминларини тартибга солиш ва бир хиллаштиришнинг қониқарсизлиги;

3) терминларни қўллашда имловий чалкашликларга йўл қўйиш;

4) турли турдаги терминологик луғатлар тузиш ва нашр қилиш жараёнини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг суэслиги;

5) турли соҳаларда қўлланувчи терминлар айнанлигини таъминлайдиган методик қўлланма ва даврий бюллетеннинг мавжуд эмаслиги;

б) терминологик лексика, айниқса, Мустақиллик даври илмий-техник терминлар ҳақида олиб борилаётган назарий тадқиқотларнинг қониқарли эмаслиги;

Бугунги XXI аср фан ва технологиялар асрида ижтимоий ҳаётнинг ҳар бир соҳасига ахборот технологиялари кириб борганлигини ҳисобга олсак, ушбу соҳага оид терминология биринчи навбатда соҳа мутахассислари учун эмас, балки бошқа соҳа вакиллари, яна ҳам содда қилиб айтадиган бўлсак оддий омма учун ҳам тушунарли бўлиши лозим. Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолатда АТ соҳасига терминлари, хусусан ўзлашма терминларини амалда қўллаш билан боғлиқ қуйидаги қийинчиликлар типологиясини яратдик:

1) соҳага оид билимнинг оддий инсонлар (АТ мутахассислари эмас)да АТ бўйича билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги;

2) инглизчадан бевосита ва билвосита ўзлашган терминлар бўйича имловий хатолар;

3) ўзлашма АТ терминларни талаффуз қилишдаги хатолар;

4) ўзлашма термин билан боғлиқ бўлган асосий маънодан термин қўлловчи беҳабар қолиши;

5) давр ўтиши билан ўзлашма терминлардаги маъно торайиши ва кенгайиш ҳолатларнинг содир бўлиши ва амалда намоён бўлмаслиги;

б) ўзлашма терминларнинг нейтрал маъноси эмас, балки услубий жиҳатдан кўчма маъно касб этиб ижобий ёки салбий бўёқдорлик ифода этиш ҳолатлари мавжудлиги.

Фикримизча, бу каби ўзлашма АТ терминларни амалда қўллаш қийинчиликларини бартараф этишнинг энг асосий йўлларида бири сифатида ўзлашма терминларни ўзбек тилига лисоний тежамкорлик тамойилига асосланган ҳолда таржима қилишдир. [Дониёров Р, Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари, 1988]

Ўзлашма терминларнинг оддий халққа тушунарли бўлиши учун уларнинг асосий маънолари тавсифини бериш ўзбек юридик терминологияси назарияси ва амалиётида ҳам учрайди. Масалан, Опцион - шартнома бўлиб, унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш ҳуқуқини беради. Фьючерс - қимматли қоғоз (шартнома) бўлиб, муайян қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларни ёки товарларни шартномада белгилаб қўйилган нархда белгиланган келгуси санада харид қилиш ёки сотишдан иборат сўзсиз мажбуриятни тасдиқлайди.

Демак, ўзлашма терминнинг изоҳини шу соҳага оид матнда бериш унинг амал қилиш соҳасини белгилашга ёрдам беради ва унинг амалиётда самарадорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Дадабоев Х. Ўзбек тилида аффиксация усули билан ясалган сифат-терминлар. “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2016. –Б.193- 199.
2. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари. Узбекская техническая терминология на современном этапе: Дис. док. ... филол. наук. – Т., 1988.
3. МавлоноваМ. Д. Инглиз тилидан ўзлашган ахборот коммуникация технологиялари термин-ларини ўзбек тили лексик тизимига мослашиш жараёнлари. Наманган давлат университети “Илмий ахборотнома“ си. 2022, 1-сон. –Б.417-421
4. Кадирбекова Д.Х. Инглиз ва ўзбек тилларида ахборот технологиялари терминологиясининг лингвистик хусусиятлари. Монография. – Тошкент: фан ва технология, 2016. – 128 б.
5. “Journal of Critical Reviews”. ISSN: 2394-5125. Volume-7, Issue-13,2020. - P.1992-1995 (SCOPUS).
6. <http://translationjournal.net/journal/41culture.htm>